



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE

Volume: 02 Issue: 06 | June 2021

Ижтимоий Тизимнинг Ўз-Ўзини Ташкиллаштириш Омиллари

Негматов И., СамДУ

Социология ва ижтимоий иш” кафедраси мудири, доцент

Received 23th May 2021, Accepted 24th May 2021, Online 28th June 2021

Аннотация: Маҳаллада ижтимоий тизимнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш омиллари тўхтаб ўтилган ҳамда ушбу муаммони имкон қадар ёритишга ҳаракат қилинган. Ижтимоий муносабатларни ташкиллаштирувчи бош омил жамиятни ўзгартирувчи – субстанционал омил ва ҳ.к. Эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг мотиви бўлиб майдонга чиқади. Барча тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш майдони бўлади.

Ижтимоий тизимнинг ўз - ўзини ташкиллаштириш омиллари хусусида тўхталар эканмиз, бу муаммо ўта мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланиб келмоқда. Тизимни ташкил этадиган қисмлар ўртасида ўзаро алоқадорлик, хаос ва барқарорлик ўз навбатида ўз-ўзини ташкиллаштириш омиллари билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият мақсадли тизимдир, у бемақсад ташкиллаштирилмаслиги қайд этилади.

Ижтимоий тизимнинг ўз - ўзини ташкиллаштириш омиллари жуда кўп. Улар қуйидагилар:

- *Ижтимоий муносабатлар - тузилишни ташкиллаштирувчи бош омил;*
- *Инсон фаолияти - жамиятни ўзгартирувчи ва ташкиллаштирувчи субстанционал омил;*
- *Ташқи муҳит билан мода ва энергия алмашинуви, экологик омил;*
- *Эҳтиёжлар ва уларнинг ўсиб бориши мотивацион омил;*

- *Ижтимоий тизимда хаосдан тартибга томон ривожланиш тенденцияси, эволюцион омил;*
- *Ижтимоий тизимни тартибга солувчи воситалар, регулятив омил;*
- *Жамиятни бошқарувчи тизим институтлар (давлат, партия, қасаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари), кибернетик омил;*
- *Шахс, жамоа, уруғ, қабила, элат, миллат, синфлар, табақалар, халқ, инсон омили;*
- *Ресурслар, моддий ва энергетик қувват;*
- *Онг, тафаккур, ўз - ўзини ташкиллаштиришнинг субъектив омили;*
- *Лоқаллашув, мустақил, яхлит бутунликка интилиш.*

Айтиш жойизки ушбу омиллар синхрон амал қилган тақдирдагина ўз - ўзини ташкиллаштириш самарали бўлади.

Эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар ўз - ўзини ташкиллаштиришнинг мотиви бўлиб, майдонга чиқади. Улар ички зиддият, ички таъсир сифатида амал қилиб, кишиларни биргаликда ҳаракат қилишга, ҳам амалликка мажбур қилади. Яъни синергетик тамойили амал қилишни бошлайди. «Синергетика» атамасининг ўзи юнонча «хамкорлик», «хамамолик» деган маънони англатишини¹ эслатиб қўйиш зарар

¹ Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной саморегуляции. СПб, 1999.-с. 14.

қилмайди. Англаб етилган эҳтиёжлар манфаатлар атамаси билан ифодаланади. Мақсад эса фаолиятнинг натижасини олдиндан белгилаб қўювчи манфаат шаклида намоён бўлади. Жамият мақсадли тизимдир, у бемақсад таъкиллаштирилмайди. Айни замонда манфаатлар параллель кетмайди, балки кўпинча тўқнашадилар, бу ҳодиса ўз - ўзини таъкиллаштириш йўлидаги асосий тўсиқлардан биридир. Демак, эҳтиёжлар ҳам тизимнинг ўз - ўзини таъкиллаштириш мотивлари ҳам ўз - ўзини таъкиллаштиришнинг тўғаноқлари сифатида намоён бўлади. Албатта, бу парадокс ҳолдир. Айнан эҳтиёжлар зиддиятлари жамиятда энтропийлик, флуктуация, хаосни келтириб чиқарадилар, Айни замонда уларнинг муштараклиги тартиб ва барқарорлиқни таъминлайдилар. Эҳтиёжлар нафақат ўсиб боради, балки вариатив ўзгариб туради, натижа ўз - ўзини таъкиллаштириш, ўзаги тебраниб туради. Бу ҳодиса ижтимоий тизимнинг барқарор, мувозанат, сифатий айнанлик ҳолатидан четга чиқишига ва синергетика тенденцияларининг амал қилишига олиб келади. Эҳтиёжлар инстинктив ва стихияли бўлса ўз - ўзини таъкиллаштириш ўзи шунчалик кучли тебранади, вариативлик ошади, ривожланиш йўналишини шунчалик номаълум ва олдиндан айтиш қийин бўлади.

Барча тизимларда ўз - ўзини таъкиллаштириш майдони, яъни алоқалар зонаси бўлади. Жамиятда бундай майдон **ижтимоий муносабатлардир**. Ижтимоий муносабатлар ҳам структура, ҳам алоқалар, ҳам майдон сифатида намоён бўлади. Бу ерда Форобий тамойили амал қилади. Алломанинг тўғри қайд қилишича ўз эҳтиёжларини ёлғиз ўзлари қондира олмайдилар, оқибатда улар, ўзаро алоқаларга киришадилар ва шундай қилиб жамият таъкил топади¹. Форобийнинг ушбу тамойили барча: микроструктура (оила, шахс, меҳнат жамоаси,

гуруҳ) макроструктура (миллат, халқ, жамият), мегаструктура (инсоният) ҳосдир.

Ижтимоий муносабатларнинг жамиятнинг ўз - ўзини таъкиллаштиришидаги мавқеи **доминант** мавқедир, бу қуйидагилар билан белгиланади:

- ижтимоий муносабатлар ижтимоий тизимнинг **тузилишини ташкил этади, тузулиш** эса, тизимни таъкиллаштирувчи атрибут, субстанциядир, унингсиз тизим яшай олмайди;
- ижтимоий муносабатлар жамиятнинг барча қисмлари ва соҳаларини яхлит тизимга бирлаштириб туради, унинг парчаланиб кетишига йўл қўймайди. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий тизимнинг фундаментал **интегратив** механизмидир. Бироқ интеграция вазифаси турли ижтимоий муносабатларда турлича намоён бўлади. Иқтисодий алоқалар барча даражада: микро - макро - меғодаражада кишиларни бирлаштиради. Сиёсий муносабатлар кишиларни давлатларга бирлаштиради ва айни пайтда ҳудудий бўлади. Диний муносабатлар бир хил динга эътиқод қилувчиларни бирлаштиради, жамият, инсоният даражасида кишиларни бўлади. Урф - одатлар, расм - русумлар муайян қабила, элат, миллатни бирлаштиради, аммо «бизлар» ва «улар» муаммосини келтириб чиқаради. Қайси жамият уларнинг толерантлигига эришса, унда ўз - ўзини таъкиллаштириш қобилияти юқори бўлади;
- кишилар ижтимоий алоқалар воситасида уруғ, қабила, элат, миллат, синф, халқ, давлат, жамиятга бирлашадилар ва биргаликда, ҳамкорликда амал қила бошлайдилар. Синергетика тамойилига кўра тизим қисмлари ички ёки таъкил таъсир оқибатида ҳаломалликда, «иноқ» ҳаракат қила бошлайдилар¹. Жамиятда ички таъсир -

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: А.Қодирӣ нашриёти, 1993. - с. 111.

¹ Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной самореганизации. СПб, 1999, -14.

эҳтиёжлар бўлса, ташиқи таъсир бир томондан табиат стихиялари бўлса, иккинчи томондан, бошқа жамиятларнинг ташиқи тажоввузидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одамлар биргалашиб ҳаракат қиладиларки, бу нарсa синергетик постулатнинг адекватлигидан далолатдир;

- ижтимоий муносабатлар доимо ўзаро манфаатлар тўқнашувлари натижаси ўлароқ доимо уйғун характерга эга эмас, балки зиддиятли (бузувчи ва тузувчи) характерга эга. Айнан, ижтимоий муносабатларда юз берадиган хаос, ижтимоий тизимни емиради ва янги тизим, янги тузилишни ташиқлаштиришига сабаб бўлади;
- ижтимоий муносабатлар жараёндир, улар ўзгариб туради, натижада ўз - ўзини ташиқлаштириши кўп вариантли, поливариатив характерга эга бўлади.

Ҳар қандай тизим ўз - ўзини ташиқлаштириши учун ресурсларга эга бўлиши шарт. Жамият а) жисмоний ресурслар, яъни фаолиятни амалга оширишининг биопсихофизиологик ресурсларига эга; б) моддий ресурслар, ишлаб чиқариши воситалари ва энергетик ресурсларга эга; в) маънавий ресурслар, илмий билимлар, амалий тажрибалар ва малакаларга эга; г) молиявий маблағларга эга; д) транспорт воситалари, алоқа тизимига эга. Шулар ичида энг асосийси инсон омили ҳисобланади, чунки у барча ресурсларни ҳаракатга келтириб, ижтимоий тизимнинг ўз - ўзини ташиқлаштиришини таъминлайди.

Хаосдан тартибнинг ташиқ топishi спонтан қонуниятларнинг тузилиши билан ҳам тенг тарзда кечади: 1) эҳтиёжларнинг ўсиб бориши; 2) нотекислик; 3) эволюция; 4) ворислик; 5) циклик ривожланиш; 6) энтропийликдан негэнтропийликка томон ривожланиш; 7) жараёнларнинг қайтарилмаслиги ва бошқа қонунлар ижтимоий тизимнинг ўз - ўзини ташиқлаштириши механизми ва йуналишини

белгилаб беради. Аммо, бу қонунлар автоматик равишда ижтимоий тизимни ташиқлаштирмайди, балки инсоннинг онгли фаолияти оркали. амал қиладилар. Инсон фаолияти қанчалик ташиқлашган бўлса, унинг ҳосиласи бўлиши ижтимоий тизим ҳам шунчалик ташиқлашган бўлади. Айни замонда айнан инсон фаолияти мавжуд тузилишини, ташиқлашмани бузувчи омил ҳамдир (инқилоблар, ислохотлар эски тизимни бузиб, янги тизимни ташиқлаштирадилар).

Ўз - ўзини ташиқлаштириши ҳосилалари оила, меҳнат жамоаси, маҳалла, этник гуруҳлар, миллат, давлатлар, партиялар, халқ, инсоният бўлиши мумкин. Улар турли усуллар билан ташиқ топaди, аммо уларнинг асосида эҳтиёжлар муштараклиги ётади. Ушбу тузилмалар ўзаро низоларга киришиши мумкин ва ижтимоий тизимни беқарорлаштириши мумкин. Қайси жамиятда ушбу тузилмалар уйғунлигига эришилса бу ерда ўз - ўзини ташиқлаштириши имконлари юқори бўлади.

Ўз - ўзини ташиқлаштириши макон ва замонда бир хил эмас. Бу жараён ўтиши даврларда кескин бўронли кечса, тизимнинг етуқлик даврида барқарор содир бўлади, у замонда тобора барқарорроқ тизимларни ташиқ эта боради.

Ўз - ўзини ташиқлаштириши нотекис кечади. Планетамизда ҳали ҳам ибтидоий жамоа тузумида яшаётган халқлар бор (Тинч океани ороллари, Бразилия ўрмонлари, Австралия ва Африканинг баъзи жойлари). 85 мамлакат замонавий жамият қурган бўлса 115 та мамлакат ҳали ҳам анъанавий жамиятда яшамокда, 21 мамлакат постиндустриал жамият қуришига эришган. Ўз - ўзидан маълумки ушбу маконларда ўз - ўзини ташиқлаштириши турлича кечади. Ушбу нотекисликни бартараф қилиш глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Яна бир муаммо ўз - ўзини ташиқлаштиришини олдиндан башорат қилишининг мушкуллигидир. Бунинг сабаби эҳтиёжлар йўналишининг ўзгариб туриши, кучлар нисбатининг тебраниб туриши, вазиятнинг ўзгариб туришидир. Ижтимоий тизим бу ўзгаришларга қандай реакция беради,

қандай адекват воситалар топади буларнинг бари эҳтимоллар назарияси зиммасига тушади.

Ўз - ўзини ташиқлаштириш полидетерминистик¹ турли хил ўзаро сабабий боғланган омиллар таъсирида кечади. Жамият гомоген тизим эмас, балки гетероген яхлитлиқдир. Гомоген тизимлар (гшит) ўз - ўзини ташиқлаштириш қобилиятдан маҳрум бўлсалар, гетероген, яъни ҳар хил қисмлардан ташиқ топган тизимлар". Ўз - ўзини ташиқлаштириш имкониятига эга бўладилар. Жамият ана шундай тизим бўлиб турли қисмлар бир - бирларини қўллаб қўвватлаб турадилар.

Ўз - ўзини ташиқлаштирувчи тизимларда ички ва ташиқ мувозанат, яъни гомеостазисни сақлаб туриш қобилияти бўлади. Қисмлар ўртасидаги баланс ва пропорционаллик, функциялар орасидаги мутаносиблик ички гомеостазисни ташиқ килади. Ушбу белгиларга эга бўлган жамиятларда ўз - ўзини ташиқлаштириш имконияти - юқори бўлади. Тизим ўз - ўзини ташиқлаштириш учун ташиқ муҳит билан ҳам мувозанатни сақлаб туриши керак. Жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар эволюция жараёнида ўзгариб борган. Анъанавий жамиятларда инсоннинг табиатга таъсир қўлаи мос бўлиб, табиат ўз циклик жараёнларини қайта тиклай олади. Аммо, индустриал ва постиндустриал жамиятлар пайдо бўлгач инсониятнинг табиий муҳитга таъсир кучи мисли кўрилмаган масшабларда ошиб кетди, натижада у ўз циклик-жараёнларини сақлай олмайдиган даражага келиб қолди, ташиқ гомеостазис бузилди, бу ҳолат ижтимоий тизим мавжудлигига хавф солмокда.

Ўз - ўзини ташиқлаштирувчи тизимлар эволюцион йўналтирилган бўлади. Жамият ана шундай тизимлардан бири булиб, унинг йўналиши мавжуд, у ҳақда биз кейинроқ батафсил тўхталамиз.

¹ Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной саморегуляции. СПб, 1999, - с. 211.

Классик фалсафада турғун, «бўлган», барқарор ҳодисалар ўрганилган бўлса постклассик фалсафада «бўлаётган», беқарор жараёнлар ўрганилади, унинг услуби хаосдан тартибликка қараб ривожланишини таъминлашга йўналтирилган. Хаос, тартибсизлик ўз - ўзини ташиқлаштиришининг «мотори» дир, айнан тартибсизлик эски тизимни емиради, янги тизимнинг ўз - ўзини ташиқлаштиришига шароит яратиб беради. Масалан, тартибсиз никоҳий алоқалар (полигамия) моногам оиланинг ташиқ топишига, «жунгли қонунлари» (зўр ожизни ейди) давлат, ҳуқуқнинг ташиқ топишига шарт - шароит яратиб берди.

Хаос, турли тасодифий, стихияли кучларнинг тўқнашувидан тартибнинг пайдо бўлиши ўз - ўзини ташиқлаштиришининг фундаментал хоссасидир¹. Жамиятда бу жараён миллионлаб манфаатларнинг тўқнашуви асосида умумий тарихий ўзининг ташиқ топишида намоён булади. Бу ўзининг ўзгариб туриши вариативлиги, тебраниш, амплитудасининг ассиметриклиги эҳтиёжларнинг доимо ўз йўналишини ўзгартириб туриши тўқнашувда иштирок этаётган кучлар нисбатига боғлиқ. Классик фалсафада барқарор динамик қонунларга, фалсафада барқарор динамик қонунларга эътибор берилган бўлса, постклассик фалсафада эҳтимолий қонунларга эътибор кучли, чунки жамиятда эҳтимолий тенденциялар асосий роль уйнайди. Бу ерда жараёнларнинг айнан такрорланиши кузатилмайдиган, такрорланиши турли вариантларда юз беради.

Ўз - ўзини ташиқлаштириш компенсаторлик характерга эга. Агар тизимнинг бир қисми ёки функцияси ишламай қолса, қолган қисмлар унинг ўрнини тўлдиришига ҳаракат қилади. Масалан, агар қўл кесилса, кесилган жойга ҳужайролар тўпланиб яранинг битишига хизмат қиладилар. Дарахтнинг шохини кесиб ташилсак «кўз ёшлари» пайдо бўлиб ўша жойга ҳужайралар етиб боради, дарахт танасида фақат тиртиқ

¹ Нажмудинов Г.М. Власова А.А. Общество и синергетика. Ярославль, 2018. –с.20

қолади. Жамиятда бу ҳодиса жуда кўп учрайди. Масалан, иқтисодий тақчиллик юз берган жойга сиёсат ёрдамга етиб келади, ўлим юз берса ёрдамга дин етиб келади ва ҳоказо. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар қишлоқ мамлакатларга миллиард доллар ёрдам бериши билан бирга медицина, санитария - гигиена соҳаларига конкрет лойиҳалар асосида ёрдам бermoқда.

Ижтимоий тизимнинг ўз - ўзини ташиқлаштириши чизиқли эмас, балки очиқ таборо кенгайиб бoрyвчи цикл тарзида кечади. Аммо, циклик такрорланишлар табиатдагидек бир хилда юз бермайди, балки турли вариантлар ва модификацияларда юз беради. Наполеон ёки Амир Темур такрорланмас шахслардир, аммо вазиятлар, тарихий зарурат уларга ўхшаиш шахсларни келтириб чиқаради. Ночизиқли, тасодифлар, тарзида ривожланишни ўрганиши синергетика соҳасига оид масала бўлиб, ижтимоий тизим ана шу тарзда ривожланади. Жамиятнинг ночизиқли ривожланиши ҳақида илк бор XVI асрда дин мутафаккури Л.Молина фикр юрита бошлаган¹. Унинг фикрича инсоният пайдо бўлиши билан эркин иродалар пайдо бўлиб, уларнинг тўқнашуви асосида тасодифий натижалар келиб чиқади натижада кўпвариантлик ва жараёнларнинг қайтарилмаслиги ҳодиса кузатилади².

Ўз - ўзини ташиқлаштиришига марказдан қолувчи кучлар халақит беради. Эгоизм ва партикуляризм ана шундай кучлардан саналади. Тарихда қандай қилиб ижтимоий ва шахсий манфаатларни келиштириши муаммоси доимо кўндаланг бўлиб келган. Бу зиддиятни ечишда ахлоқ, давлат, «кўринмас қўл» каби воситалар синаб кўрилди. Хусусан, А.Смитнинг «кўринмас қўл» гоёсига кўра ҳар бир шахс ўз товарини сотар экан у бировнинг эҳтиёжсини қондираман деб уйламайди, аммо у ўз буюми билан бошқа кишиларга хизмат қилади, «кўринмас қўл» уни

шунга йўналтиради. Иқтисодий алоқалар кишиларни бирлаштиради, диний алоқалар кишиларни бўлади, давлатлар кишиларни бўлиб ташиқлайдилар. Аммо, улар ўз доираларида ташиқлаштириши қобилятига эга. Масалан, ислом дини мусулмонларни бирлаштириши мумкин. Ўзбекистон давлати фуқароларни бирлаштириши мумкин. Партикул - яризм, айрим гуруҳларни алоҳида ҳаракат қилишига интилиши ҳам ўз - ўзини ташиқлаштиришига тўсқинлик қилади. Ўрта асрларда феодал тарқоқлик, Испания босқлар ҳаракати Молдовада Днестр буйи русларининг, Грузияда абхазларнинг ҳаракати бунга мисолдир. Бутун ва қисмлар ўртасида доим зиддиятлар мавжуд бўлиши нормал ҳолат, аммо агар марказдан қолувчи кучлар энергияси бутун энергиясидан ошиб кетса тизим емирилади. Ф.А.Хайекнинг фикрича жамият ўз - ўзини тузувчи ва бузувчи бўлиб, у даврлар кетма - кетлиги импульсдир¹.

Хулоса қилиб айтсак ўз - ўзини ташиқлаштириши:

- хаосдан тартиблиликка қараб бoриш;
- ўз - ўзини ташиқлаштиришининг асоси алоқалар;
- ўз - ўзини ташиқлаштириши фаолият орқали амалга ошади;
- ўз - ўзини ташиқлаштиришида интеграцион жараёнлар муҳимдир;
- жамиятда ўз - ўзини ташиқлаштириши мотиви эҳтиёжларида;

ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий. Шунингдек ижтимоий ва шахсий манфаатларни ҳам кўрсатиши мумкин. Эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар:

- инсон фаолиятини ҳаракатга келтиради натижада ижтимоий тизим ўз - ўзини ривожланади;

¹ Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной самореганизации. - СПб, 1999. - с. 216.

² Ўша жойда. - с.210.

¹ Ихтибос олинди: Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем Синергетика и теория социальной самореганизации. (СПб, 1999. - с. 219).

- улар кишиларни турли бирлик, ва ташилотларга бирлаштиради;
- шахснинг ёлғиз ўзи эҳтиёжларини қондира олмайди, шунинг учун у бошқа кишилар билан ижтимоий алоқаларга киришишга мажбур бўлади, натижада ижтимоий тизим шаклланади;
- эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни жамиятнинг қуйидан юқорига қараб боришини белгилаб беради;
- эҳтиёжларнинг кўп хиллилиги фаолият ва ижтимоий муносабатларнинг рангбаранглигини тақозо қилади. Натижада ижтимоий тизим мураккаблашиб боради;
- эҳтиёжлар чексиз бўлгани билан ресурслар чегараланган, бу ҳолат ижтимоий тизимнинг узвий ривожланишига тўсқинлик қилади. Ҳозирда глобал масштабда моддий ва энергетик танқислик инсоният олдидан мураккаб муаммоларни қўймоқда;
- эҳтиёжлар тўқнашуви ижтимоий конфликтлар низолар манбаи бўлиб, бу зиддиятларнинг ечими ижтимоий ривожланиш йўналишини белгилаб беради.

Жамият тараққиётининг **субъектлари** шахслар, жамоалар, миллатлар, халқдир. Ижтимоий субъект - тарих чархналагини ҳаракатга келтирувчи, моддий ва маънавий қадриятлар яратувчи, жамиятни бошқарувчи онгли, мақсадли фаолият юритувчи индивидлар ва уларнинг турли бирлашмаларидир. Жамият интерсубъектлар, яъни субъектлараро алоқалар тизимидир. Кишилар ўз ҳаётининг режиссёрлари, сценарийчилар, актёрлари ва томошабинларидилар. Интерсубъект - бу менлараро алоқа, интерсубъект - бу шахслараро алоқаларгина эмас. балки жамоалараро, социал гуруҳлараро, миллатлараро, синфлараро, давлатлараро, цивилизациялараро алоқалардир. Янги замонгача шахсга объект, жамиятнинг «винтиги» сифатида қараб келинган, (жамият - шахс тарзида) ва янги замондан бошлаб таталитар режимларга хосдир. Бу формула янги замондан бошлаб шахс тарихни яратувчи

субъект сифатида қаралади (шахс - жамият тарзида) ва бу формула демократик, фуқаровий жамиятлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий субъект бўлиш учун: а) онгли фаолият; б) мақсадли фаолият соҳиби бўлиш; 1) жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучга айланиш зарур. Ўз - ҳатти - ҳаракатига онгли жавоб бера олмайдиган, фаолиятни онгли рационал амалга ошира олмайдиган тарихни ҳаракатлантира олмайдиган индивидлар ижтимоий субъект бўла олмайдилар. Рухий хасталар, паразитлар, бактериялар ана шулар жумласдандир. Эркинликни бўғиб қўювчи режимлар (фашизм, коммунизм) тарих соҳасидан сўриб чиқариладилар, бу қонуният. Тарихни бир киши ҳаракатга келтира олмайди, шунинг учун кишилар турли бирлашмаларга бирлашиб амал қиладилар, ва тарихнинг субъектига айланадилар.

Ижтимоий тизим таркибида **нарсалар қадриятлар** муҳим ўрин эгаллайдилар. Нарсалар (оziқ - овқат, кийим - кечак, уй -жой) кишиларнинг яшашини таъминлайдилар; нарсалар кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришини таъминлайди (транспорт воситалари); нарсалар кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қиладилар (техника, меҳнат қуроллари, ҳам энергия). Шунинг учун нарсалар жамиятнинг онтологик асосларини ташиқил қиладилар. Аммо, нарсалар инсон учун мақсад ёки ҳаётининг мазмунини ташиқил қилмайди, улар инсон учун яшаиш воситаларидир. Нарсалар атрофида ижтимоий муносабатлар юз беради, улар фаолият воситалари ёки натижаларидир, улар сунъий яратилган муҳит артефактни ташиқил қиладилар. Нарсалар ижтимоий тизимнинг ресурслари бўлиб, ушбу ресурсларнинг кўплиги ва рангбаранглиги жамият ривожланишини таъминлайдадир.

Жамиятда кишилар ёлғиз ҳаракат қилмайдилар, улар этник, синфий, касбий бирликларга уюшиб амал қиладилар. Шунингдек улар институтларга бирлашадилар. Институтлар: давлатлар, партиялар, нодавлат ташиқилотлар бошқариш функциясини бажарадилар. Ибтидоий тудадан

уруғчилик босқичига ўтилгач уруғ жамоасини сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар кенгаши бошқарган. Қўлдорлик даврига келиб давлат ташиқил топти. Унинг асосий функцияси, мазмун аҳолини итотда ушлаб туриши эди, бу- функция ўрта асрларда ҳам сақланади. Индустрал ва постиндустрал жамиятларда ушбу функция асосий бўлмай қолди давлат - шахс формуласидан:

- ўз - ўзини ташиқиллаштириши тартиблик олиб келади;
- жамиятда ўз - ўзини ташиқиллаштириши онгли мақсадга йўналтирилган бўлади;
- жамиятда ўз - ўзини ташиқиллаштириши спонтан тарзда кечади;
- ижтимоий тизимда ўз - ўзини ташиқиллаштириши эҳтимоллий қонунлар ва кўп вариантлик тенденцияси шаклида намоён бўлади;
- ўз - ўзини ташиқиллаштириши жамиятда жараёнларнинг қайтарилмаслиги тарзида юз беради;
- жамиятда ўз - ўзини ташиқиллаштиришида мақсадлар муштараклиги асосий омилдир;
- ўз - ўзини ташиқиллаштирувчи асосий омил инсондир.

Ўз - ўзини ташиқиллаштириши: ташиқил муҳитга мослашиши ва ички интеграциялаштириши вазифаларини бажаради. Ушбу функцияларга эга бўлган тизимларгина ўз - ўзидан ривожланиши қобилиятига эга бўладилар. Жамиятнинг ташиқил муҳитга мослашиши воситалари, хилма - хилдир (кийим - кечак, уй - жой, концепция ва хаказо). Бундан ташиқари жамият ўзи яратган техноген ва социоген муҳитга ҳам мослашиши зарур. Ташиқиллаштириши бу борада шундаки, кишилар муҳитга бирлашган ҳолда мослашадилар, бу соҳада улар техника, технология, маданият каби воситалардан фойдаланадилар.

Ўз - ўзини ташиқиллаштириши жараёнида яхлитлик шаклланади, яхлитлик эса янги сифатларга эга бўлади, бу жараён ривожланишининг ўзгинасидир, чунки янги

сифатнинг пайдо бўлиши, дифференциаллашув объектларнинг қўйидан юқори босқичга ўтиши жараёни ривожланишини белгиларидир. Аксинча, бутуннинг парчаланиши, объектларнинг эришган юқори даражадан пастки босқичларга тушиши, ижобий сифатларнинг йуқотилиши таназзулни таснифлайди.

Ижтимоий тизимда энтропийликнинг камайиб бориши ва негэнтропийликнинг ўсиб бориши тенденцияси кузатилади. Энтропийлик - ички энергия сарфланиши натижасида юзага келадиган импульсив тартибсизликдир. Ўз - ўзини ташиқиллаштирувчи тизимлар ташиқил энергияни ютиши эвазига энтропийликни камайтирадилар, шу тариқа негэнтропийликка қараб борадилар. «Негэнтропийлик - мураккаб ташиқиллашган тизимларнинг муҳит шароитида муайян вақтда сифатий айнанлигини қўллаб - қувватлаб турувчи тартиб, қобилиятдир»¹.

Ижтимоий тизим тартибсизликдан тартиблиликка қараб ривожланади. Тартиблилик айни замонда ташиқиллашганлик даражасини ҳам кўрсатади. Тартиблиликнинг қўйидаги шакллари келтириши мумкин:

- композицион тартиблилик - тизим қисмларининг ўзаро мутаносиб жойлашуви;
- - структуравий тартиб - тизим қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг уйғунлиги;
- функционал тартиб - тизим қисмларининг ўз вазифаларини оптимал бажариши;
- интегратив тартиб - тизимнинг ўз қисмларини яхлитликка бирлаштириб туриши тартиби;
- циклик тартиб - жараёнларнинг кетма - кетлиги, изчиллиги, тадрижийлиги;
- пропорционаллик -- қисмлар ўртасидаги миқдорий мутаносиблик;
- уйғунлик - тизимнинг қарама - қарши томонларининг бир - бирини ривожлантиришига қаратилган тартиб.

¹ Мамджян К. Введение в социальную философию. М: Высш. шк., 1998. - с. 195

Жамият ўз ўзини ташиқлаштириши учун ўз – ўзини тартибга солиши, регуляция қилиши шарт. Аммо, жамият учун ҳайвонлардаги соматик тартибга солиши воситалари яроқсиздир, шунинг учун жамият тартибга солишининг бошқача турларини ишлаб чиқди. Тил, рамзлар, ёзув, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, техник, технологик нормалар, қадриятлар, урф – одатлар, расм -русумлар ана шундай тартибга солиши воситаларидир. Шунингдек жамият ўз - ўзини бошқариши воситаларини ҳам ишлаб чиқди: уруғ жамоаси, қабила, қабила иттифоқи, ҳарбий демократия, давлат ва бошқа институтлар бошқариши функциясини бажарадилар, бусиз жамият ўз - ўзини ташиқлаштира олмайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида

келтирилган фикрлар ижтимоий тизимнинг ўз-ўзини ташиқлаштириши омиллари ниҳоятда кўпчилиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бранский В.П. Теоретические основания социальной синергетики. Вопросы философии. – 2000. №4.
2. Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. Синергетика и теория социальной саморганизации. СПб, 1999.- 480.
3. Капустин В.С. Введение в теории социальной самоорганизации. М., 2003 – с.380
4. Мамджян К. Введение в социальную философию. М., 1998. –с.195
5. Нажмудинов Г.М., Власова А.А. Общество и синергетика. Ярославль.2018.-с.34.
6. Негматов И. Общество-как самразвовающего система. Ташкент. 1989. – с. 23.
7. Рузавин Г.И. Самоорганизация и организация в развитии общества. Вопросы философии. 1995. - №8.-с.66.